

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 65215 тани ташкил қилиб, шундан 43252 таси ёки 66,3 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасига 35580 та (54,5 фоизи), савдо 7725 та (11,8 фоизи), саноат 6118 та (9,4 фоизи), қурилиш 2917 та (4,5 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 2358 та (3,6 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича сони

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	65215	100,0	43252	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	35580	54,6	15006	34,7
Саноат	6118	9,4	5802	13,4
Қурилиш	2917	4,5	2755	6,4
Савдо	7725	11,8	7320	16,9
Ташиш ва сақлаш	979	1,5	940	2,2
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2358	3,6	2266	5,2
Ахборот ва алоқа	510	0,8	484	1,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	658	1,0	636	1,5
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	8370	12,8	8043	18,6

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 6,1 фоизи давлат ва 93,9 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар ҳисобланади.